

2. Дроздова О. Е. Роль иностранных языков в формировании опыта лингвострановедческой активности школьников // ИЯШ. – 2011. – № 2. – С. 21–27.

3. Коростелева Ю. Е., Макарова Е. В. Введение лингвострановедческого аспекта в обучении иностранному языку // Молодой ученый. – 2016. – № 7.5. – С. 51–52.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада лингвистик ва мамлакатшуносликка оид билимларни уйғунлаштириб ўқитишдаги баъзи муаммолар муҳокама қилинади. Чет тилларини ўқитиш амалиётида тил ва маданиятнинг бирга намоён бўлиши талабаларнинг билим фаоллигини оширишни таъминлаши ҳамда уларнинг мулоқот қила олиш каби кўникмаларини ривожлантириши ҳақида сўз боради.

РЕЗЮМЕ

В данной статье рассматриваются некоторые проблемы в преподавании языкознания и страноведения. В практике обучения иностранным языкам отмечается, что одновременное проявление языка и культуры обеспечивает повышение познавательной активности учащихся и развитие у них таких умений, как умение общаться.

SUMMARY

This article discusses some problems in the teaching of linguistics and regional studies. In the practice of teaching foreign languages, it is noted that the simultaneous manifestation of language and culture provides an increase in the cognitive activity of students and the development of such skills as the ability to communicate.

ЎЗБЕК, ИНГЛИЗ ВА РУС ТИЛЛАРИДА АССОЦИАТИВ ЛУҒАТЛАР ТУЗИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Содиқова С.А.

ф.ф.ф.д. (PhD), Ўзбекистон Миллий Университети

Таянч сўзлар: психолингвистика, ассоциатив луғат, сиёсий ва иқтисодий муҳит, лингвистик онг.

Ключевые слова: психолингвистика, ассоциативная лексика, политическая и экономическая среда, языковое сознание.

Key words: psycholinguistics, associative vocabulary, political and economic environment, linguistic consciousness.

Сўнгги бир асрдан ортиқ вақт мобайнида психология ва психолингвистикада ассоциатив тажрибалар ўтказиб келиниши натижасида улар замонавий тил фойдаланувчиси учун когнитив структура (тузилма)нинг тегишли таркибий қисмларини аниқлашда самарали восита эканлиги олимлар томонидан исботланган. Бу каби экспериментал ёндашув орқали топилган натижалар ҳозирги даврда фойдаланилаётган тилни акс эттирувчи, сўзнинг семантик таркибидаги ҳамда қўлланишдаги ўзгаришларни тасвирлашда орқада қолмайдиган луғатларни тузиш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Дунё лингвистик тасвирини тавсифлашда психолингвистик нуқтаи назардан ёндашар эканмиз, оммавий ассоциатив эксперимент асосида инглиз, рус ҳамда ўзбек тилларида сўзлашувчилар дунёқарашининг лингвистик модели сифатида қиёсий ассоциатив луғат тузиш тамойиллари хусусида сўз юритиш лозим. Луғатнинг тузилишини намоёйиш қилиш учун қуйида турли тушунчаларни ҳамда ўзбек, инглиз ва рус тилларида сўзлашувчиларнинг лингвистик онгида уларнинг қай тарзда намоён бўлишини таҳлил қилиш аҳамиятли. Биз ҳозирги сиёсий ва иқтисодий муҳитни ҳисобга олган ҳолда тил фойдаланувчилари учун мос бўлган ушбу семантик таркибий қисмларни акс эттирадиган луғатларни тузиш йўллари таклиф қиламиз.

Луғатшунос олдида турган энг мураккаб вазифалардан бири охириги йигирма йил ичидаги ёнгики ундан кўпроқ йил олдин фойдаланилган тилни акс

эйтириш ўрнига, ҳозирги даврда истеъмолда бўлган фаол тилдан фойдаланишга мос луғат яратишдир. Бунга эришиш усулларида бири она тилида сўзлашувчиларнинг лингвистик онгига сингиб кетган сўзнинг тегишли семантик таркибий қисмларини ўрганиш асосида луғатлар тузишдир. Луғатларни тайёрлаш учун асос сифатида ассоциатив таҳлилга таяниш жуда самарали саналади, сабаби, бундай тадқиқот экспериментлари сўзнинг семантик таркибидаги, қўлланиши ва ушбу сўзнинг энг содда ассоциацияларидаги унчалик катта бўлмаган ўзгаришларни ҳам акс эттира олиши мумкин.

Шу ўринда, ассоциатив типдаги луғатлар, уларнинг яратилиш мақсадлари ва аҳолининг қайси қатламига хизмат қилиши хусусида қисқача сўз юритамиз.


Ассоциатив луғатлар бу янги типдаги луғатлар бўлиб, бунда сўзлар ўзаро бир майдонда ассоциатив ҳолатда боғланишда бўлади. Қуйида эса “она” семантикаси микромайдонида 50 дан ортиқ лексик бириликлар ҳосил бўлганини кўриб чиқдик.

Эътиборли жиҳати шундаки, ушбу “она” мазмунли сўз бирикмаларининг эквиваленти бошқа тилларда айнан мавжуд эмас. Жумладан, Merriam-Webster (1828) тезаурус луғатида mother сўзининг 53 та синоними келтирилган бўлиб, улар орасида ўзбек тилидаги “она” билан боғлиқ тушунчаларнинг муқобиллари ҳам учрайди. Рус тилида она сўзининг ассоциацияси ҳақида ҳам айни шу фикрга қелишимиз мумкин (1-расмга қаранг).

Ассоциатив луғатлар маълум бир тилдаги ассоциатив муносабатли лексик бириклар, уларнинг инсон хотирасида шаклланган уялари, ассоциатив бирикларнинг лексик-семантик, лингвокультурологик, социолингвистик, гендерологик, прагматингвистик хусусиятлари ҳақида маълумот берувчи луғат тури ҳисобланади. Бундай луғатда жавоб реакцияларида тил эгаларининг ташқи олам ҳақидаги тасаввурлари, билими, дунёқараши, руҳияти, воқеликка бўлган муносабати, ҳаётий тажрибалари, ўй-хаёллари, ташвиш-муаммолари ҳам намоён бўлади. Луғатлардан тилшуносларгина эмас, балки кенг оммада муайян билимларни бойитишда ҳам фойдаланилади.

“Ассоциатив грамматика” асосчиси Ю.Н.Қараулов уларни шартли равишда қуйидаги қисмларга ажратган: а) тил эгалари хотирасига олам манзараси тасвирини келтирувчи тилдан ташқи ёки экстралингвистик билимлар; б) ассоциатив-вербал тармоқда лисоний онгнинг намоён бўлиши; в) тилнинг грамматик қурилиши ва луғат таркиби.

Олимнинг фикрича, биринчи типдаги билимлар экстралингвистик маълумот ташийди, ассоциатив сўз, сўз бирикмалари, гаплар, йирик жумлаларда тил эгалари ўз ҳаёти давомида доимий муносабатда бўлувчи, уларни ўраб турган воқеликдаги предмет ва ҳодисаларни номловчи ва уларни тавсифловчи экстралингвистик маълумотлар намоён бўлади. Улар орасида



1-расм. Кўп тилли ассоциатив луғат тузилмасининг структуравий кўриниши

сиёсий, ижтимоий ҳаёт, санъат, мода ва рус ҳаётининг мамлакатшунослик хусусиятлари, миллий характер белгилари, халқ ва дунё тарихи билан боғлиқ доимий феноменлар мавжуд.

Ю.Н.Караулов иккинчи турдаги билимларни мулоқот билими деб номлайди. Унинг фикрича, бундай билимлар тил эгаларининг лисоний онгини акс этиришга хизмат қилади, негаки бундай билимлар тил, миллий маданият бўйича мулоҳаза юритиш элементларини қамраб олади, жавоб реакциялари орқали рус воқелигидаги ҳодисалар, типик вазиятлар, тушунчаларга баҳо берилади. Ниҳоят, ассоциатив-вербал тармокнинг учинчи – энг кенг билимлар қисми (в) кўпчилик тил эгалари учун онгсиз, ўйланмаган ҳолатдаги билимлар бўлиб, улар тил қурилиши, унинг барча сатҳлари –фонетикаси, морфологияси, синтаксиси, кенг маънодаги грамматикаси, тобелилик тизими, турли услубларга эга лексикасига оид билимлардир.

Юқоридаги фикрлардан англашиладики, ассоциатив-вербал тармоқда нафақат тилшуносликка оид билимлар, балки инсон, жамият ҳаёти билан боғлиқ билимлар ҳам жамланади.

Ассоциатив луғатлар мақсади, структураси, моҳиятан кенг қамровли эканлиги, унда нафақат лингвистик маълумотлар, юқорида айтиб ўтилганидек, турли соҳаларга оид билимлар жамланиши, тажриба материалларига таяниши кабиларга кўра бошқа турдаги лингвистик луғатлардан кескин фарқ қилади. Бу фарқ, асосан, қуйидагиларда кузатилади:

1. Ассоциатив луғатлар функцияларга кўра бошқа турдаги лингвистик луғатлардан фарқланади. Бу типдаги луғатлар муайян тилнинг луғат таркибини текшириш, тил эгаларининг лексик бирликлари захираси, ташқи олам ҳақидаги тасаввурлари, хотиралари ва билимининг тилда акс этиши масаласини ўрганиш, тилни меъёрлаштириш каби мақсадларни кўзда тутди. Луғатларнинг бу тури тил эгаларининг ижтимоий-тарихий хотираси ичига киришга имкон бериши билан аҳамиятлидир.

2. Ассоциатив луғатлар ўқувчида маълум бир даврдаги муайян тилдаги қўлланилган сўзлар ҳақида яхлит тасаввур уйғотишга хизмат қилади. Бу турдаги луғатлар тилни тасвирловчи шунчаки “иллюстратив материал” бўлмай, тилнинг инсон, жамият, рухият, маданият, илм-фан ва техника ўртасидаги муносабат ҳақида ҳам тасаввур ҳосил қилувчи, тил эгаларининг ташқи олам ҳақидаги билими, психологик тасаввур, воқеликка муносабатини намойиш этувчи лингвистик манба саналади.

3. Ассоциатив луғатлар, аввало, тил эгалари лисоний тафаккурида бир-бири билан ассоциатив боғланган, гап қурилиши учун тайёр материал вазифасини ўтовчи бирликлар базасидир. Шу билан бирга, бундай луғатлар орқали ассоциатив бирликларнинг лексик-семантик, грамматик, услубий, деривацион, прагматик, миллий-маданий, гендер хусусиятлари, қўлланиш частотаси ҳақида ҳам маълумот олиш мумкин бўлади. Ассоциатив луғатлар бошқа лингвистик луғатлардан халқлар маданиятининг ўзига хос қирраларини акс этириши билан фарқланади.

4. Ассоциатив луғатларда инсон хотирасида бир-бирини ёдга туширувчи бирликлар майдони берилади. Бу майдон таркибидан тил эгалари томонидан ҳосил қилинган турли даражадаги ассоциатив бирликлар (бу вазифани асосий ҳолларда синонимлар, антонимлар, уядош сўзлар, паремиялар бажаради) ўрин эгаллайди. Ю.Н.Караулов таъкидлаганидек, «ассоциатив луғат

тилни биз учун бирмунча ўзгача шаклда – роман ёки газета мақоласидаги каби тўлиқ матн кўринишида эмас, грамматика ёки изоҳли луғатлардаги каби системали тафсилот ҳолида ҳам эмас, балки ёйиқ жумлалар, гап тузиш учун қурилиш материали бўлиб хизмат қилувчи ўзаро жуфт ҳолда боғланган сўзлар ёки сўзлар гуруҳи кўринишида намоёйиш этади”.

5. Ассоциатив луғатлар учун, аввало, тилнинг лексик бирликлари луғат материали вазифасини ўтайди. Бироқ ассоциатив луғатларни нафақат лексик бирликлар, балки тилнинг бошқа бирликлари бўйича ҳам яратиш мумкин.

6. Ассоциатив луғатлар структураси жиҳатидан бошқа турдаги лингвистик луғатлардан тубдан фарқ қилади. Ассоциатив луғатларда луғат тузувчи томонидан лексик бирликларнинг луғавий маъноси, морфем таркиби, грамматик шакли ёки имлоси ҳақидаги маълумотлар берилмайди. Луғатда бошқа турдаги луғатларда қўзғатилгани каби библиографик маълумотлар, шартли қисқартмалар, ҳаволалар акс этмайди. Ассоциатив луғатларда ассоциатив майдон бирликлари – стимул сўз ва жавоб реакциялари (ассоциатлар) қатъий алфавит тартибида қайд этилади. Улар луғатда қуйидаги тартибда жойлаштирилади: аввал стимул сўз ёзилади, унинг қаршисига жавоб реакциялари қўлланиш частотасининг камайиб бориши тартибида қайд этилади. Жавоб реакцияларининг қўлланиш частотаси қавс ичида қуйидаги статистик маълумотларда келтирилади: 1) жавоб реакцияларининг умумий миқдори; 2) турли жавоб реакциялари миқдори; 3) яқка жавоб реакциялари миқдори; 4) жавоб ёзилмаган ҳолатлар миқдори. Стимул сўзнинг синонимик, антонимик қаторлари, уядошлари ажратиб кўрсатилиши мумкин. Ассоциатив луғатларнинг сўз боши қисмида мазкур луғатнинг тузилиши, унда амалга оширилган вазифалар, ўтказилган ассоциатив тажриба тури, тажриба учун танланган синалувчилар ҳақидаги умумий маълумотлар қайд этилади.

7. Ассоциатив луғатлар психолингвистикада кенг тарқалган эркин ассоциатив тажриба методи асосида яратилади. Бу эса ушбу характердаги луғатларнинг ўзига хос жиҳатидир, оммавий тарзда ўтказилувчи тажриба материаллари асосида яратилишидир.

8. Ассоциатив луғатлар анъанавий тарзда икки хил тартибда тузилади. Биринчи турдаги ассоциатив луғатларда стимул сўз ва у орқали ҳосил бўлган ассоциатив бирликлар майдони қайд этилади. Бундай луғатларнинг иккинчи турида эса ассоциатив бирликлар орқали тикланган стимул сўзлар акс этади. Ассоциатив луғатларнинг иккинчи тури лексик бирликлар ўрта-сидаги семантик муносабатни аниқлашга ёрдам беради.

9. Ассоциатив луғатларнинг нафақат полиграфик маҳсулот шаклида, электрон лингвистик маълумотлар базаси шаклида ҳам берилиши муҳим жиҳат ҳисобланади. Ассоциатив луғатлар қамраб олинган тил материаллари асосида бир тилли ёки кўп тилли луғатлар шаклида яратилади.

10. Ассоциатив луғатлар ўқув луғатлари ҳисобланади. Унинг материаллари ассоциатив грамматика учун таҳлилий манба вазифасини ўтайди.

Шу нуқтаи назардан ассоциатив тажриба сўзнинг маъноси жамоа ва индивид онгида қай тарзда намоён бўлишини очиб беришда самарали восита бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бу тилга сингиб кетган когнитив таркибий қисмларни очиб ва хилма-хил оғзаки тасвирлаш усулларида завқланиш усулидир. Ушбу тажрибалар анъанавий луғатларни тузишда жуда фойдали

эканлигини таъкидлаш ўринлидир, чунки улар сўзларнинг жамоа онгида мавжуд, аммо ҳали сўзнинг таркибий қисми сифатида киритилмаган маъносини очиб бериши мумкин. Баъзи таниқли рус психологингистлари (А.А. Залевская (2011; 2014), В.А.Пишчалникова (2002) ва бошқалар) анъанавий сўз маъноси фреймидан ташқарида жойлашган когнитив компонентларни белгилаш мақсадида сўз маъносига когнитив структура сифатида қарашади. Ассоциатив лугатларда ассоциатив экспериментлар натижаларини тез-тез учрайдиганлардан тортиб то ноёб кўринишларгача ўзгарувчи субектларнинг вакили гуруҳи томонидан реакциялар ассортиментини акс эттирувчи ёзувлар билан тизимлаштириш одатий ҳолдир.

Замонавий лексикографияда қуйидаги ассоциатив боғланиш турларини ажратиш мумкин. Маъно яқинлиги, яъни синонимликка кўра ассоциация ўзаро боғлиқ тушунчалар баъзи умумий хусусиятларга эга эканлигига асосланади. Бу ўхшаш стимул сўзлар синонимик реакцион сўзларни келтириб чиқарувчи шартли алоқа натижасидир (масалан, синонимлардан бирини актуаллаштириш орқали синонимик қаторларни хотирада акс эттириш, юзага келтириш: *unhappiness / несчастье / бахтсизлик, sorrow / грусть / қайғу, grief / горе / қайғу, sadness / печаль / хафагарчилик*).

Ўхшаш ассоциациялар билан бир қаторда таққослаш ассоциациялари ҳам мавжуд бўлиб, улар қарама-қарши хусусиятлар феноменининг намоён бўлиши орқали изоҳланади. Таққослаш ассоциацияларининг физиологик табиати стимул сўз айтилганда содир бўлувчи неврал жараёнларнинг ўзаро индукцияси ҳисобланади. Натижада, кейинчалик қарама-қарши стимуллардан бири шу заҳоти бошқа зид маъноли стимулни келтириб чиқариши мумкин (масалан, антонимлар феномени: *grief / горе / қайғу; joy / радость / хурсандчилик, шодлик; happiness / счастье / бахт; unhappiness / несчастье / бахтсизлик*).

Қарама-қаршилик бўйича ассоциация воқеалар вақт ёхуд маконда бир-бирига яқин жойлашганда юзага келади. Ҳозирги даврда, юқорида қайд этилган ассоциациянинг уч тури содда ёки механик ассоциацияларга мисол бўлади. Бундан ташқари, тушунчалар ўртасидаги ўзаро умумий ҳамда сабаб-оқибат муносабатларини акс эттирувчи нисбатан мураккаб семантик ассоциациялар ҳам фарқланади (масалан, *a flower/ цветок/ гул – a rose/ роза/ атиргул; a disease/ болезнь/ касаллик – death/ смерть/ ўлим*).

Лексикографиянинг олдида мураккаб тушунча (демократия, глобаллашув, империя ва бошқалар каби) учун ассоциатив лугатни тузиш вазифаси қўйилганда, у тарихий ва ҳозирги геосийёсий контекстни кўриб чиқиши лозим. Шу билан у талқин қилинадиган семантик таркибий қисмларни аниқлаш ва уларга устунлик бериш орқали амалга оширилади. Бу эса тушунчанинг ҳозирги она тилида сўзлашувчиларнинг лингвистик онгидаги маъносини акс эттира олмаслигига олиб келади.

Таъкидлаш жоизки, лугат ёзувларини тузиш учун тадқиқотчи ушбу сўз билан оғзаки равишда берилган реакциянинг семантик таркибий қисмларини кўриб чиқиши керак. Бундай ёндашув ҳар қандай мураккаб тушунчанинг таърифи ва талқини мезонларига мос келиши ва ҳозирги тилдан фойдаланишни акс эттириши аниқ.

Бизнинг тадқиқотларимиз ижтимоий онга сингиб кетган мураккаб *democracy/демократия/демократия* тушунчасига қаратилган. Мавжуд

глобал сиёсий ва иқтисодий муҳитни ҳисобга олган ҳолда биз ўзбек, инглиз ва рус тилида сўзлашувчи аҳолига хос бўлган билим тузилмаларини кўриб чиқдик.

Айтиб ўтиш кераки, глобал нуқтаи назардан проактив мавқега эга бўлган ҳар қандай давлат, халқаро ишларда иштирок этадиган ва бошқа давлатларнинг ички сиёсатини кўп жиҳатдан белгилаб берадиган бир қатор демократик хусусиятларни қабул қилади.

Изланишларга кўра сўзнинг бошланғич модели билан таққосланди ва баъзи бир муҳим семантик таркибий қисмлар жамоат онгида жуда кам ҳоллардагина намоён бўлишга мойиллиги аниқланди (масалан, *capitalism* / капитализм / капитализм; *emancipation* / освобождение / эмансипация / муомала лаёқатига етган деб топиш; *suffrage* / избирательное право / овоз бериш ҳуқуқи).

Айни пайтда когнитив тузилишнинг баъзи периферик таркибий қисмлари ушбу тушунча билан баъзи ассоциацияларни кўрсатиб берди: *equality* / равенство / тенглик; *freedom* / свобода / эркинлик; *justice* / справедливость / адолат; *republic* / республика / республика; *commonwealth* / государство / ҳамдўстлик; *autonomy* / автономия / автономлик; *liberalism* / либерализм / либерализм; *citizenship* / гражданство / фуқаролик; *democratically* / демократически / демократик тарзда; *people's democracy* / народная демократия / халқ демократияси (2-расмга қаранг)

Шу ўринда, *democracy* / демократия / демократия тушунчаси она тилида (инглиз, рус ёки ўзбек) сўзлашувчилар онгида вужудга келувчи изоҳдан фаркли равишда илмий изоҳга ҳам эга эканлигини ҳисобга олиб, сўзнинг луғавий маъноси куйидагича изоҳланиши мумкинлиги ўрганилди:

1) democracy – a system of government by the whole population or all the eligible member of a state, typically through elected representatives;


2) democracy – a state governed under a system of democracy. Plural noun: democracies; “a multiparty democracy”;

3) democracy – control of an organization or group by the majority of its members ;

4) демократия – политический строй, при к-ром верховная власть принадлежит народу;

5) демократия – способ руководства каким-н. коллективом, при к-ром обеспечивается участие и влияние всего коллектива. “Внутрипартийная демократия” ;

6) демократия – (қадимги юнонча: “димократиа” – “халқ ҳокимияти”) барча инсонлар тенглик билан коллектив қарорга келиш имконига эга бўлган сиёсий тузум. “кўп партиявийлик”.



2-расм. “Демократия” иерархияси

Кўриниб турибдики, қиёсий ўрганилаётган концептимизнинг ҳар учала тилда ўзаро умумий ва ўхшаш маънолари мавжуд, шунга қарамай, инглиз лексикологияси сўзнинг кўп маънолилиги нуқтаи назаридан устунлик қилмоқда.

Ассоциациялар реал дунё объект ва ҳодисалари ўртасидаги баъзи бир муҳим муносабатларни акс эттиради, шу сабабли тушунчалар тилнинг лексик тизими таркибида муҳим роль ўйнайди деган хулосага келиш мумкин. Бу Н.В.Крушевский айтганидек: *“Ҳар бир сўз бошқа сўзлар билан синонимлик асосидаги ассоциациялар алоқалари орқали боғланган; бу ўхшашлик нафақат ташқи, яъни товушли ёки структуравий-морфологик, балки ички, семасиологик ҳам бўлади. Бошқача айтганда, ҳар бир сўз онгимизга шунга ўхшаш бир неча тушунчаларни олиб келиш хусусиятига эга...”*

Юқорида келтирилганлардан шуни хулоса қилиш мумкинки, ўзбек, инглиз ва рус тилларида семантик майдондаги сўз маънолари сўзлашувчиларнинг замонавий она тилларидаги лингвистик онгига сингиб кетган сўзлар орқали очиб берилади. Бундан ташқари, ассоциатив эксперимент семантик майдонни ҳосил қилувчи сўз бирикмаларнинг таркибий қисмлари ўша тил маданиятига қараб белгиланади ва бу ҳолат тилларда фарқига эга эканлигини кўрсатди.

Ушбу топилмалар лексикографлар учун ўта фойдали манба ҳисобланади, чунки улар ҳозирги сиёсий ва иқтисодий шароитда тил фойдаланувчилари учун аҳамиятли бўлган семантик ва ассоциатив компонентларни акс эттирувчи ассоциатив тезауруслар тузиш устида амалий ишлар олиб боришмоқда.

Шарҳлардан шундай хулосага келиш мумкин: замонавий ассоциатив лексикографияда ҳозирги даврда, асосан, тадқиқотчиларнинг онгли равишда кўриб чиқиш ва тест ўтказишга эмас, балки онг ости ақлий фаолиятига асосланган “стимул – реакция” ёндашувининг психологик усуллари устунлик қилади. Бундан ташқари, ташқи тадқиқот усуллари қўллаш аниқ илмий билимлар тармоғи учун мос эмас. Бинобарин, лексикография каби лингвистик соҳа психология фанидан тадқиқот усуллари олиш ўрнига лингвистик методологиядан фойдаланиши керак.

Ушбу хулосалар асосида қуйидаги таклифлар юзага келади:

а) лексик бириклар билан боғлиқ бўлган ассоциацияларни тиклаш, қайта ишлаш ва тушунтиришнинг лингвистик методикаси ишлаб чиқилиши ва ушбу методология асосида ўзбек, инглиз ва рус тилларининг янги ассоциатив луғати яратилиши керак. Мумкин бўлган денотацияни қайта кўриб чиқиш жараёнлари йўналишларини мослаштиришга қодир бўлган семантик кўрсаткичларни ўрганиш методологиянинг ажралмас қисми бўлиши керак;

б) луғат базаси учун маълумот йиғиш жараёнида тилда сўзлашувчиларнинг семантик ассоциацияларни топишга онгли ёндашиши аҳамиятга олинishi керак (яъни тилга оид маънога эга бўлган ассоциациялар). Луғат сифатини таъминлаш учун филологлар ёки шу соҳада таҳсил олувчи талабалар каби профессионал аудиторияни танлаш мумкин;

в) маълумотлар базасини компиляция қилиш такомиллаштирилиши ва таркибни яратишда технологиялардан фойдаланиш воситасида вазифа осонлаштирилиши мумкин;

г) шундай қилиб, ҳозирги вақтда ўзбек ассоциатив лексикографиясида

мавжуд бўлган баъзи бўшлиқларни тўлдириш учун аниқроқ, лингвистик асосга эга бўлган ҳамда профессионал жамоатчиликка мўлжалланган ассоциатив лугат яратилиши мумкин.

Адабиётлар:

1. Hyland J.L. Democratic theory: The philosophical Foundations. Manchester: Manchester Univ. Press, 1995
2. Oxford languages, (internet resource) <https://languages.oup.com/>
3. Typical structure of an associative dictionary entry (the findings of the associative experiment with American subjects conducted by Ksenia S. Kardanova-Biryukova). "Associative Experiments as a Tool to Construct Dictionary Entries" Ksenia S. Kardanova-Biryukova. (Lexicography in global contexts), p. 675-676.
4. Караулов Ю.Н. Общая и русская идеография. – М.: Наука, 1976. – С.252

РЕЗЮМЕ

Дунё лингвистик тасвирини тавсифлашда психолингвистик нуқтан назардан ёндашар эканмиш, оммавий ассоциатив эксперимент асосида инглиз, рус ҳамда ўзбек тилларида сўзлашувчилар дунёқарашининг лингвистик модели сифатида қиёсий ассоциатив лугат тузиш тамойиллари хусусида сўз юритиш лозим. Лугатнинг тузилишини намоиш қилиш учун қуйида турли тушунчаларни ҳамда ўзбек, инглиз ва рус тилларида сўзлашувчиларнинг лингвистик онгида уларнинг қай тарзда намоён бўлишини таҳлил қилиш аҳамиятли. Биз ҳозирги сиёсий ва иқтисодий муҳитни ҳисобга олган ҳолда тил фойдаланувчилари учун мос бўлган ушбу семантик таркибий қисмларни ақс эттирадиган лугатларни тузиш йўлларини тақлиф қиламиз.

РЕЗЮМЕ

Когда мы подходим к описанию языковой картины мира с психолингвистической точки зрения, необходимо говорить о принципах создания сравнительно-ассоциативного словаря как лингвистической модели мировоззрения носителей английского, русского и узбекского языков. языки на основе массового ассоциативного эксперимента. Чтобы продемонстрировать структуру словаря, важно проанализировать приведенные ниже различные понятия и то, как они появляются в языковом сознании носителей узбекского, английского и русского языков. Мы предлагаем способы построения словарей, которые отражают эти семантические компоненты, подходящие для пользователей языка, учитывая текущую политическую и экономическую среду.

SUMMARY

When we approach the description of the linguistic image of the world from a psycholinguistic point of view, it is necessary to talk about the principles of creating a comparative associative dictionary as a linguistic model of the worldview of speakers of English, Russian and Uzbek languages based on the mass associative experiment. In order to demonstrate the structure of the dictionary, it is important to analyze the various concepts below and how they appear in the linguistic consciousness of Uzbek, English and Russian speakers. We suggest ways to construct vocabularies that reflect these semantic components that are appropriate for language users, given the current political and economic environment.

ИНГЛИЗ ТИЛИДА ТИНГЛАБ ТУШУНИШ КЎНИКМАСИНИ ЎҚИТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ МЕТОДЛАРИ

Журабекова Ҳ.М.

Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси мудири

Таянч сўзлар: интерфаол усул, гуруҳ бўлиб ишлаш, яқка ҳолда ишлаш, шахслараро мулоқот, схема, англаш, бир томонлама мулоқот, икки томонлама мулоқот, муस्ताқил бўлиш.

Ключевые слова: интерактивность, способ, групповая работа, индивидуальная работа, деятельность, схема, осознание, односторонняя коммуникация, двусторонняя коммуникация, независимость.

Key words: interactive way, group work, individual work, interpersonal activities, scheme, awareness, one-way communication, two-way communication, autonomy.

Ўзбекистон Республикаси ўзининг муस्ताқил ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўлини танлаб олиб, таълим соҳасини ҳам собит қадамлик билан ислох қилиб бормокда. Айниқса, “Таълим тўғрисида”ги Қонун, “Кадрлар